# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 31 май, № 105 (6540) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Фарғонада талаба-ёшларнинг «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари республика босқичи якунланди.





26 — 28 май кунлари “Истиқлол” стадионида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли тизимнинг юқори бўғини — Универсиада машъаласи порлаб турди. Мазкур вақт мобайнида шаҳардаги кўплаб иншоотларда 165 минг нафар навқирон авлод вакиллари орасидан саралаб олинган 900 нафар талаба-ёш спортнинг 15 тури бўйича ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Хусусан, финал босқичи йўлланмасини қўлга киритган йигит-қизлар бутун мамлакат олдида ўз маҳорат ва истеъдодини намоён этишди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири спорт туфайли ирода, қатъият, ватанпарварлик туйғуларига эга бўлган, юрт тақдири ўзларига боғлиқ эканлигини теран ҳис этган ёшлар вакили саналади. Шу маънода, қўлга киритилган ютуқлар янада қадрлидир.

— Таассуротларни сўз билан ифодалаш қийин, — дейди олтин медаль билан тақдирланган волейбол бўйича пойтахт жамоаси сардори Эльмира Ражабова. — Вакилларимиз ғалаба учун астойдил кураш олиб боришди. Мусобақа олдидан кўрган тайёргарлигимиз самарасини берди. Барчамизни кучли ҳаяжон чулғаб олгани рост. Ахир навбатдаги Универсиадада иштирок этиш имконияти яна уч йилдан кейин берилади-да. Ҳиссиётларимизни жиловлаб, беллашувларга ўзимизни руҳан ҳозирлай олдик. Биринчи ўрин учун кечган ўйинда қорақалпоғистонлик тенгдошларимизни мағлуб этиш осон бўлмади.

Бошқа спорт турлари бўйича ҳам баҳслар ана шундай қизиқарли ва муросасиз ўтди. Зеро, муваффақият — кўп йиллик машаққатли меҳнат маҳсули. Қарши давлат университети талабаси Санжар Файзиев анчадан бери теннис билан шуғулланади. У устози Пётр Лебедь мураббийлиги остида миллий терма жамоамиз сафида 2014 йилда ўтказилган Осиё ўйинлари совриндори бўлди. Универсиада “олтин”ини қўлга киритиш орзуси эса қатъияти ва меҳнати туфайли ушалди.

— Ушбу спорт айёми бир умр ёдимда қолади, — дейди С. Файзиев. — Юртимизда йўлга қўйилган, дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли мусобақалар тизимининг нафақат ўзи, балки унинг байрамона муҳити ҳам бетакрор. Беллашувлар учун тайёрланган спорт ареналари жудаям ажойиб. Масалан, теннис корти ва бошқа иншоотлар хорижда кўрган шундай спорт объектларидан асло кам эмас.

(Давоми 4-бетда).

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти вакиллари иштирокида “Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари” мавзуида тадбир ўтказилди.

# Аграр соҳа ривожи ва сувдан самарали фойдаланиш истиқболлари

Таъкидланганидек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ер ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлар тез суръатларда ривожланишида ҳам муҳим омил бўлаётир. Ўтган йили 12,6 млн. тонна сабзавот ва картошка, 1,9 млн. тонна полиз экинлари маҳсулоти, 1,6 млн. тонна узум, 2,7 млн. тонна мева-чева етиштирилгани бунинг яққол далилидир.

Тадбир иштирокчилари республикамизда сувдан оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратишди. Уларнинг фикрича, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ва соҳага янги технологиялар жорий этилиши натижасида суғориладиган ерларнинг бир гектарига сарфланадиган сув ҳажмини 42 фоиздан ортиқроқ қисқартиришга эришилган.

(Давоми 2-бетда).

## СЕМИНАР

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида “Фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг устувор йўналишлари” мавзуида семинар ташкил этилди.

# Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилишга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилиб, муайян натижалар қўлга киритилаётгани таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётир. Зеро, ўтган йиллар мобайнида унинг асосида фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга йўналтирилган, умуминсоний қадриятларга мос ишончли норматив-ҳуқуқий база яратилди. У замон талабларига мувофиқ, тобора такомиллаштириб борилаяпти.

Семинарда фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига жорий йилнинг апрель ойида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг мақсад ва вазифалари тушунтирилди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат моддалари, жумладан, унинг субъекти, объекти, предмети ҳамда парламент назоратининг шакли ва уни амалга ошириш механизмлари, шунингдек, субъектларнинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қиладиган, юксак маънавиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш — асосий мақсадимиз” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

**● Хоразмда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Сиз полвонларингизни биласизми?” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

● Андижонда “Юрт келажаги” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди. Барча йўналиш бўйича 34 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан анъанавий “Мусиқа жанговар сафда” кўрик-танловининг якуний босқичи уюштирилди.**

● Пойтахтимизда туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олишда замонавий технологияларнинг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЛОЛА ДАРАХТИ

## юртимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда

Ўзбек халқи ҳақида сўз борганда, дунё аҳли, аввало, меҳнаткаш ва бунёдкор, тупроқдан олтин ундиришга қодир, мард ҳамда ғурури баланд миллатни ўзига тасаввур этади. Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз ҳар карич ерни эъзозлаб, ҳовли-жой, маҳалла-кўйни, бутун юртимизни обод этиб, саришта тутишни ўзи учун эзгу қадрият, деб ҳисоблайди. Кейинги йилларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган олижаноб даъват халқимизнинг қалбидан чуқур жой олиб, унинг яратувчанликка бўлган меҳри ва иштиёқини янада оширганига бугун ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз.

### ИНСОН ВА ТАБИАТ

Барчамизга яхши аёнки, мустақиллик даврида халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари кенг кўламда намоён бўлиши учун улкан имконият яратилди. Ҳозирги кунда йирик шаҳарларимизда аҳолининг яшаши ва дам олиши учун қулай бўлган замонавий инфратузилма тармоқларини яратиш, боғ ва гулзорлар бунёд этиш, сув йўлларини кенгайтириш каби илғор шаҳарсозлик маданиятига хос хусусиятлар юксак даражада ривожланмоқда.

Бу борада икки минг йилдан ортиқ қадимий тарих ва бой маданиятга эга бўлган, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган ва қўшаётган Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини санашнинг ўзи анча вақтни олади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганларидек, “Ватанимизнинг муқаддас остонаси, давлатимизнинг бош шаҳри — азим Тошкент билан барчамиз, бутун Ўзбекистон халқи ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, юртимизнинг келгуси тараққиётини бош шаҳримизнинг истиқболидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”.

Маълумки, дунё жамоатчилиги азим пойтахтимизга турли даврларда турлича баҳо ва таърифлар берган. Масалан, “Тошкент — Шарқ дарвозаси”, “Тошкент — нон шаҳри”, “Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри”, “Тошкент — ислом маданияти пойтахти” деган эътирофларнинг замирида ҳар бир даврнинг ўзига хос руҳи уфуриб турибди. Бугунги кунда бу гўзал таърифлар қаторига “Тошкент — яшил пойтахт” деган таъриф қўшилса, ҳеч қандай хато бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Бу азим шаҳар истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг эътибори ва раҳнамолигида том маънода пойтахт шаҳарга, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимиз кўксида порлаган бебаҳо гавҳарга айланди. Бугунги кунда гўзал қиёфа ва тароват касб этган Тошкентимиз дунё пойтахтлари орасида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлган йирик мегаполисга айланди.

Буюк Британияда нашр этиладиган нуфузли “Экономист” журналининг 2015 йилда берган баҳоси кўҳна Шош бағрида олиб борилаётган миқёси ва кўлами жиҳатидан ғоят улкан бунёдкорлик ишларининг халқаро майдондаги яна бир юксак эътирофи бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға эмас. Ана шу журналнинг маълумотларига кўра, Тошкент дунё рейтингида ўзининг ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, мавзудан бир оз чекиниб бўлса-да, давлатимиз байроғида яшил ранг акс этгани ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли бўлади. Негаки, азалдан халқимиз учун яшил ранг тинчлик ҳамда хотиржамлик, ёшлик ва яшариш, бунёдкорлик ҳамда тараққиёт рамзи ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## ТАҚДИМОТ

Самарқандда “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Китоб байрами” ўтказилди.

# Маънавият сарчашмаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда адиблар, ноширлар, талабалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қатнашди.

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, эртамиз эгаларини Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилаётганини эътироф этишди. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Китоб байрами” тадбири алоҳида ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Бельгияда намойиш этилди

Бельгиянинг Валлония экспорт ва сармоялар агентлигида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда сармоявий имкониятларига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикасининг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси томонидан Валлония экспорт ва сармоялар агентлиги кўмагида ташкил этилган тадбирда мазкур агентликка аъзо бўлган компаниялар вакиллари қатнашиб, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар хусусидаги маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Тақдимотда 2016 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 41 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги, салкам 900 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини кўзда тутувчи 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш дастурлари, шунингдек, мамлакатимизда хорижлик сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам маросим иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# ЛОЛА ДАРАХТИ

## юртимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш орқали юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизда тозаликни сақлаш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Биргина Тошкент шаҳрида кейинги йилларда 370 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди, 127 минг 500 дан зиёд кўчат экилди. 1990 йилда шаҳар ҳудудидаги кўкаламзор майдонлар 6 минг 800 гектарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг ҳажми 2 баробардан зиёд кўпайиб, 15 минг 200 гектардан ошди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда шаҳарда ҳар бир кишига 70 квадрат метрга яқин яшил ҳудуд тўғри келмоқда. Пойтахтимиз ҳудудининг деярли қирқ фоизи дарахтлар билан қопланган. Ваҳолонки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг меъёрларига кўра, бу кўрсаткич умумий ҳудуднинг 15 — 20 фоизини ташкил этиши кифоя ҳисобланади.

Дунё бўйича қабул қилинган меъёрларга биноан, йирик шаҳарларда аҳоли жон бошига 50 квадрат метр кўкаламзорлаштирилган майдон тўғри келиши керак. Бугунги кунда Тошкентнинг кўкаламзорлаштириш даражаси дунёнинг Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл каби йирик шаҳарларидан икки-уч маротаба ортиқ экани азим пойтахтимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат беради.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларини энг замонавий услубларда, янгича сифат билан ободонлаштириш борасидаги амалий ишларнинг мантиқий давоми сифатида шаҳримизда сосна ва бошқа бир неча турдаги жаҳоннинг кўпгина мегаполисларига зеб ва чирой бериб турган, бизнинг иқлим ва табиатимизга мос манзарали дарахтлар кўплаб экилмоқда ва парваришланмоқда. Сўнгги йилларда шаҳримизда ўстирилаётган ҳар бир дарахт ва бутани, гул-чечакларни асраб-авайлаш борасида эзгу анъана шаклланиб, манзарали дарахтларнинг янги турлари кўпайтирилмоқда.

Эътиборга молик яна бир муҳим жиҳати шундаки, манзарали дарахт ва буталар ҳавони зарарли газлардан тозалаб, кислородни кўпайтириши, шаҳар атмосферасидаги чанг ва ғуборнинг 72 фоизини ушлаб қолиши мутахассислар томонидан аниқланган.

Кўча ва майдонларда, тураржой мавзеларида соясалқинни, микроиқлимни таъминлаб, иссиқ ҳароратни мўътадиллаштирадиган бундай дарахтлар санитария ва гигиена нуқтаи назаридан ҳам ўта муҳим вазифаларни бажаради. Масалан, айрим дарахт турлари ҳавода учиб юрадиган модда — фитонцидларни ажратади. Бу модда, ўз навбатида, ҳаводаги зарарли ва касаллик тарқатадиган бактерияларни бартараф этади.

Шу ўринда мустабид тузум даврида бу борадаги аҳвол қандай бўлганини бир эсга олайлик. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, Тошкент шаҳри ҳудудида қандай дарахт ва гуллар экиш масаласи ҳам фақат собиқ марказ томонидан ҳал қилинар эди. Айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида бетартиб экиб ташланган, шохлари тарвақайлаб кетган чинорлару бақатеракларни кўз олдингизга келтиринг. Энди маълум бўлмоқдаки, бундай дарахтлар ўзидан инсон саломатлиги учун зарарли бўлган газларни чиқарар экан. Ажабланарли томони шундаки, иссиқ иқлим шароитида гуллаган пайтида одамга салбий таъсир кўрсатиб, аллергик касалликларни қўзғайдиган дарахт ва буталар экилган. Бу борада Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароити мутлақо ҳисобга олинмаган.

Мустақиллик инсонни, унинг қадри, шаъни ва ғururини ҳар томонлама улуғлади, озод ва обод ҳаёт пойдеворини яратди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида бири-биридан гўзал ва кўркам истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонлар тобора кўпайиб бораётгани фикримизнинг далилидир. Бу боғларда сайр қилиб, гўзал хиёбонларни кезар эканмиз, дилимиз яйраб, кўзимиз қувонади.

Кейинги йилларда пойтахтимизда ландшафт дизайни талаблари асосида яшил майдонларни кенгайтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Яъни ҳар бир туп дарахт ёки бута теварак-атрофдаги бино ва иншоотлар кўринишига уйғун ҳолда, яхлит, умумий ва узвий манзара касб этишига эътибор берилмоқда. Шаҳримизда барпо этилаётган боғ ва хиёбонлар ана шу талабларга тўла мос келмоқда. Айниқса, ноёб ва гўзал лола дарахти шаҳримизга алоҳида файзу тароват бағишлаб, кўпдан-кўп дарахтлар орасида ўзининг кўркамлиги билан ажралиб турганига барчамиз гувоҳмиз.



> Ўзининг гўзаллиги, нафис шохлари ва гуллари билан кишини ҳайратга соладиган бу ноёб дарахт нафақат гуллаган даврида, балки бошқа пайтларда ҳам ниҳоятда жозибали кўринади. Унинг танаси кумушранг, шох ва бутоқлари дарахтнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, кишида ёрқин таассурот қолдиради.

Табиат мўъжизаси бўлмиш бу дарахтнинг новдалари кенг пирамидасимон ва шарсимон думалоқ шаклда ўсади, барглари орнаментал ҳаворанг, яъни яшил тусда бўлади, кузда олтинрангда товланади. Барг ва гуллари лолани эслатгани сабабли бу нафис дарахт лола дарахти, деб номланади. У бутун вегетация даврида ғоят чиройли ва сарвқомат бўлиб кўринади. Кишини ҳайратга соладиган яна бир жиҳати шундаки, унинг баландлиги 75 метрга, танасининг айланаси эса 10 метрга етиши мумкин.

Лола дарахти уруғидан ва қаламча йўли билан кўпайтирилади. Ёш ниҳоллар она дарахтдан икки йилдан сўнг ажратиб олинадиган новдалардан ўстирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу дарахт кўплаб шифобахш хусусиятларга эга. Пўстлоғининг дамламаси безгакни даволашда самарали восита сифатида қўлланиб келинади. Унинг барги, пўстлоғи, ёш новдалари ва гулларида изохинолинлар оиласига мансуб бўлган алкалоидларнинг 26 та тури аниқланган.

Ажратиб олинган алкалоидларнинг аксарияти юрак-қон томир тизими ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, қон босимини пасайтиради, спазмолитик, йўталга (глауцин) ва микробларга қарши курашишда фаол қўлланади. Унинг яна кўплаб шифобахш хусусиятлари мавжуд.

Лола дарахтининг ёғочи енгил ва мустаҳкам бўлиб, унга ишлов бериш ва силлиқлаш осон. Ундан мусиқа асбоблари ва радиоприёмникларнинг қутисини ясаш учун мўлжалланган фанера ишлаб чиқаришда, дурадгорлик ва идишбоп ёғоч сифатида, шу билан бирга, бошқа мақсадларда ҳам кенг миқёсда фойдаланилади.

Яна бир ғаройиб хислати борки, лола дарахтидан ниҳоятда фойдали асал олинади. Бу асал жуда хушбўй, шифобахш бўлиб, мазали таъмга ҳам эга. Ушбу дарахт кўп миқдорда асал нектарига эга. Ҳисоб-китобларга қараганда, асаларилар битта лола дарахтидан 1 килограммдан ортиқ асал тўплайди.

Кези келганда мазкур дарахтга хос бўлган яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Лола дарахти ўсган хиёбонларда сайр қилиш киши кўнглига хотиржамлик ва осойишталик бағишлайди, асаб тизимини тинчлантиради, руҳиятини кўтаради. Узоқ умр кўрадиган ва кўпдан-кўп шифобахш ҳамда фойдали хусусиятларга эга бўлган бу ноёб дарахт бизнинг иқлим шароитимизга мослашган. Боғбон ва миришкорларимиз томонидан унинг кўчатини кўпайтириш технологияси муваффақиятли ўзлаштирилган.

Ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий омил ва таянчи бўлган дарахтлар ҳаёт тимсоли, деб таърифланиши, албатта, бежиз эмас. Дарҳақиқат, мутахассисларнинг маъ-



лумотларига кўра, бир гектар дарахтзор ҳавога 600 килограмм кислород тарқатади.

— Кейинги йилларда экилаётган манзарали лола дарахтлари шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бўлим мудири Ботир Ортиқхўжаев. — Лола дарахти тик ва баланд ўсиши билан ажралиб туради. Бу дарахт ўрта ҳисобда 400 — 500 йил умр кўради. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари лола шаклида бўлади. Ўзидан ҳамиша хушбўй ҳид таратади. Бундан етти йил муқаддам, яъни 2009 йилдан бошлаб бу дарахт шаҳримиз хиёбонлари ва боғларига экилмоқда. Унинг кўчатларини кўпайтириш пойтахтимиздаги Ботаника боғи, Ўрмон хўжалиги, Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги, шунингдек, кўчат етиштиришга ихтисослаштирилган хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилмоқда. 3-4 йиллик парваришдан сўнг кўчатларнинг бўйи 1,8-2 метрга етгач, улар белгиланган жойларга ўтқазилади. Айни пайтда Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, "Туркистон" саройининг олдидаги майдонлар, Хадра майдони, Анҳор бўйларида, Ўзбекистон, Фурқат, Абай, Нукус, Абдулла Қодирий, Навоий кўчаларида кўкка бўй чўзиб турган лола дарахтлари ўз тароватi билан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг баҳридилини очмоқда. Яқинда Ўзбекистон, Фурқат, Абай кўчалари ёқасига яна қарийб беш юзта лола дарахти экилди. Бу ниҳоллар шаҳримиз иқлимига мослашиб, баравж ривожланмоқда.

Маълумки, манзарали дарахтларнинг нафақат кўрки, балки инсон саломатлиги учун фойдали экани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис шаҳримизда лола дарахти ва бошқа манзарали дарахтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, катта йўлларнинг четларидаги яшил ҳудуд ва дарахтзорлар кейинги вақтда тобора кўпайиб бораётган транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни тутиб, ҳавони тозалашда санитарлик вазифасини ўтамоқда. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида ўтган йилнинг ўзида ҳавога чиқарилаётган зарарли газ ва моддалар миқдори қарийб 9 минг тонна камайган. Бу, ҳеч шубҳасиз, ана шундай саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

Бугун яшил либосга бурканган боғ ва хиёбонлар, кўчаю майдонларда ён-атрофга тароват бағишлаб турган лола дарахтлари мустақил Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг кўркига кўрк қўшмоқда. Улар пойтахт аҳлига ҳар томонлама маъқул келди, янгиланаётган, тобора гўзал ҳамда фаровон бўлиб бораётган янгича ҳаётимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди, десак, кўпчилик бу фикрга қўшилади, деб ўйлаймиз.

> Ўзбекистон — қадим-қадимдан лолалар диёри ҳисобланади. Ҳозирги кунда нафақат тоғ ва адирларимизда, балки кунсайин замонавий қиёфа касб этаётган шаҳар ҳамда қишлоқларимизда ҳам вафо ва садоқат, латофат ҳамда нафосат тимсоли бўлган бу ажойиб гулнинг кўплаб турлари гуркураб ўсаётганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, беқиёс табиатга эга бўлган жонажон юртимизда лола дарахтининг кўпайтирилаётгани Ватанимизнинг янада обод бўлиб бораётганидан далолат беради. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, табиатнинг ноёб мўъжизаси бўлмиш лола дарахти халқимизнинг саломатлиги, юртимизнинг гўзаллиги, атроф-муҳитнинг мусаффолиги, хусусан, одамларимизнинг умри узайиши учун беминнат хизмат қилмоқда.

**Рустамжон АЛЛАБЕРДИЕВ,**
**биология фанлари номзоди.**

# Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иштирокчилар "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ҳамда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Адлия вазирлиги томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга берилган шарҳга ҳам алоҳида тўхталиб ўтишди.

— Мурожаат этиш фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, уни амалга оширишни таъминлаш давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг муҳим вазифаларидандир, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Алишер Атажанов. — Қонун талабларидан келиб чиқиб, вазирлигимизда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини умумлаштириш ҳамда таҳлил этиш амалиёти йўлга қўйилган. Ўтган йили вазирликнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 603 та мурожаат келиб тушди. "Ишонч телефони" орқали эса 99 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 432 таси кўриб чиқилиб, шундан 130 таси қаноатлантирилди, 254 тасига ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириш берилди, 3 таси бекор қилинди, 238 таси эса тегишли органларга юборилди. Кўрилган мурожаатлар ҳамда ўтказилган ўрганишлар асосида судларга фуқароларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб 117 миллион сўмликдан зиёд даъво аризалари киритилди ва улар қаноатлантирилди.

— Аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг қамровли тушунтириш-тарғибот тадбирлари туфайли уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юксалмоқда, энг муҳими, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари сезиларли даражада камайишига эришилаётир, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Айтбой Темирханов. — Бу борада фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари ходимлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик муҳим омил бўлаяпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида икки юзга яқин маҳаллада биронта жиноят содир этилмагани бунинг яққол далилидир.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, Омбудсман номига келиб тушаётган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга доир мурожаатлари фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда кўриб чиқилмоқда.

Омбудсман институти ўз фаолиятини амалга оширишда ишончли ва самарали тузилмага эга экани ҳам қатнашчилар томонидан эътироф этилди. Бинобарин, мамлакатимиз ҳудудларида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳамда улар ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича олимлар ва мутахассислардан иборат Экспертлар кенгаши самарали фаолият юритаяпти. Минтақавий вакиллар томонидан фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан таҳлил ҳамда мониторинг мунтазам олиб борилаётир. Айни чоғда ҳудуддаги аҳолини қизиқтираётган ижтимоий-иқтисодий масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан биргаликда таҳлил этилмоқда.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аграр соҳа ривожи ва сувдан самарали фойдаланиш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Муҳокамалар чоғида депутатлар, соҳа мутахассислари томонидан сув ресурсларидан тежамли ҳамда самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари хусусида атрофлича фикр алмашилди, — дейди парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Алишер Махматмуродов. — Шунингдек, бу борадаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Албатта, бу қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, сувни тежайдиган замонавий агротехнологиялар ишлаб чиқиш, пировардида аҳолини сифатли мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбирда, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш учун имтиёзли кредит ажратиш тартибини янада соддалаштириш, шу ва бошқа суғориш технологияларини лойиҳалаш, сув тежовчи тизимларни жорий қилиш бўйича давлат дастурини шакллантиришда ҳудудларнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиш юзасидан тавсиялар берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Бельгияда намойиш этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда сўзга чиққан **Валлония экспорт ва сармоялар агентлигининг бош ижрочи директори П. Делкомминет** мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, экспорт ва сармоявий салоҳиятни ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди.

— Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг афзалликларини алоҳида қайд этишни истар эдим, — деди П. Делкомминет. — Яъни улар барқарор иқтисодий тараққиёт жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни тобора ўсиб бораётгани, махсус индустриал ҳудудлар ёки логистика марказлари фаолияти ҳамда жозибали сармоявий муҳит билан изоҳланади.

Мамлакатда европалик сармоядорларга яратилган имконият ва мавжуд улкан салоҳиятдан янада унумли фойдаланилишига умид қиламан. Валлония компанияларини Ўзбекистон бозоридаги иштирокини кенгайтиришга даъват этаман.

Ўз навбатида, **Бельгиядаги "Audiofocus" электр жиҳозлари компаниясининг савдо ишлари бўйича директори А. Костенк** ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик борасида тажрибага эга эканлигини маълум қилди.

— Глобал миқёсдаги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида кўпгина давлатларда иқтисодий пасайиш кузатилмоқда, — деди у. — Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичлари нафақат иқтисодиёт ва банк-молия тизимининг барқарорлигидан, балки кейинги йилларда кўрилган чора-тадбирларнинг тўғрилиги ҳамда ўз вақтида қабул қилинганидан ҳам далолат беради.

Яна шуни қайд этиш керакки, республика банк тизимининг муваффақиятли ислоҳ этилиши Жаҳон банкининг йиллик таҳлилий маърузаси ва Халқаро молия корпорациясининг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш шароитлари бўйича "Doing Businees — 2016" умумлашма маълумотномасида ҳам ўз аксини топмоқда. Уларнинг ҳисоботида келтирилишича, кейинги уч йил мобайнида "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланувчи кўрсаткич бўйича Ўзбекистон 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон бугунги кунда сармоя киритиш учун минтақадаги энг жозибали мамлакат ҳамда юқори қўшимча қийматга эга бўлган экспортбоп тайёр маҳсулотларнинг кенг мажмуини ишлаб чиқариш учун истиқболли бозор ҳисобланади.

Тақдимот қатнашчилари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг афзалликлари ҳақидаги маълумотларни катта қизиқиш билан қабул қилдилар. Тадбир доирасида бўлиб ўтган мунозаралар чоғида логистика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари ва бошқа жабҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Бельгиянинг **"Joskin" компанияси менежери Ж. Магирон** "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида республикамизда аграр сектор ҳамда чет эл компанияларининг сармоявий фаолиятини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларга ижобий баҳо берди.

— Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқдир, — деди у. — Чунки илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб беради.

Биз 2015 йилдан буён Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритиб, Самарқанддаги "Ўзавтотрейлер" заводида аграр тармоқ ва бошқа жабҳалар учун тиркама ҳамда махсус техника воситалари ишлаб чиқараяпмиз. Келажакда бундай техникаларимиз сони ва турини янада кўпайтириш ниятидамиз.

**Бельгиянинг "Sarens" қурилиш-транспорт компанияси менежери М. Редуан** Ўзбекистонда жадал ривожланаётган қурилиш бозори европалик шериклар учун жозибали ва истиқболли эканлигини қайд этди.

— Бугун бўлиб ўтган тақдимот маросими Ўзбекистон ҳақида, унинг қурилиш соҳасидаги салоҳияти тўғрисида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишимиз учун яхши имконият яратди, — деди М. Редуан. — Шуниси эътиборга моликки, мамлакатда 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион долларлик 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилган. Шу рақамнинг ўзиёқ мамлакатда қурилиш соҳаси жадал суръатда ривожланаётганидан далолатдир.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда республикамиздаги нашриётлар томонидан кейинги йилларда чоп қилинган мумтоз ва энг сара бадиий адабиётлар, энциклопедик луғат ҳамда маълумотномалар, болалар асарлари намойишлари уюштирилди. Самарқанд давлат университетида эса ушбу тантанага бағишлаб илмий-амалий конференция ташкил этилди.

# Маънавият сарчашмаси

Шу билан бирга, янги нашрлар тақдимоти, адиб ва ноширлар билан учрашувлар, ёш ижодкорлар ўртасида шеърхонлик кечалари ўтказилди. Шаҳар марказида "Самарқанд китоб олами" мажмуасининг тантанали очилганлиги иштирокчиларни янада хушнуд қилди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги "2010 — 2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори соҳа ривожида муҳим омил бўлаётир, — дейди "Самарқанд китоб олами" мажмуаси раҳбари Асатулло Шукуров. — Мажмуамизда Президентимиз асарлари, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар, болалар адабиёти, дарсликлар каби ўнга яқин бўлим мавжуд. Виртуал китоблар марказидаги компьютерлар интернетга уланган бўлиб, мамлакатимиз ва хориждаги етакчи кутубхоналар билан алоқа ўрнатилган.

Бу ерда асарларнинг электрон вариантидан ҳам фойдаланиш мумкин. Болалар залидаги эртак ҳамда бадиий асарлар ранг-баранг ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, кўзи ожизлар учун брайл ёзувидаги китоблар бор. Мажмуада ёш оилалар, ота-оналар учун ҳам ўзига хос қулайликлар яратилган. Турли ўйинчоғу қўғирчоқлар ўрин олган махсус бурчак болажонлар ихтиёрида.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев сўзга чиқди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 31 МАЙ — ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Чекиш — инсон саломатлигига зиён етказувчи иллат. Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳар бир чекилган сигарета киши умрини олти дақиқага қисқартирар экан. Ҳозирги кунда дунёда ҳар олти сонияда бир одам айнан тамаки туфайли ўз ҳаётига зомин бўлмоқда.

# УМР КУШАНДАСИ



Унинг таркибида 400 дан зиёд заҳарли кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, буларнинг 40 дан ортиғи саратон касаллигини келтириб чиқаради. Радиоактив моддалардан эса полоний, висмут ва қўрғошин изотоплари бор. Бир кунда 1 қути сигарета истеъмол қилиш, бу — бир йилда 500 рентген нурланиш билан тенг. Битта сигарета 6 — 8 мг. никотин сақлайди, унинг 3 — 4 мг. миқдори қонга ўтади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни сифатида эълон қилинган. Ушбу санада мамлакатимизда ҳам чекишга қарши қатор тадбирлар уюштирилади.

Чекиш соғлиқ учун зарарлигини ҳамма билади, лекин йилдан-йилга мазкур иллатга ружу қўйганлар сони дунё бўйича тобора ошаётир. Сигарета қутисида "Чекиш — инсонни ўлдиради" деган жумла ёзиб қўйилган. Бу бежиз эмас. Зеро, чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан ўпка раки 30 марта, стенокардия 13 марта, ошқозон яраси 10 марта кўп учрайди. Ўпка раки билан касалланганларнинг 96 — 100 фоизи, туберкулёз билан 95 фоизи, ошқозон яраси билан оғриганларнинг 96 — 97 фоизини айнан кашандалар ташкил этади. Чекиш ва ўпка раки ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик борлиги эса амалда исботланган.

Бундан ташқари, чекувчи инсонларда овознинг бўғилиши, тишларнинг бузилиши, оғиздан бадбўй ҳид келиши, юзни ажин босиши, хотира пасайиши каби ҳолатлар пайдо бўлади.

Никотин асаб тизимини заҳарловчи моддалар қаторига киради. Тамаки чекилганда, 20 сонияда никотин қонга ўтиб асаб тизимига таъсир кўрсатади. У асаб ҳужайраларининг қўзғалувчанлигини оз миқдорда оширади, нафас ва юрак уришини тезлаштиради, юракнинг қисқариш маромини бузади, кўнгил айнишига олиб келади.

Кашанда фақат ўзинигина эмас, балки атрофдагиларни ҳам заҳарлайди. Булар унинг ота-онаси, дўстлари, турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари бўлиши мумкин. Яна шу нарса маълумки, чекувчи инсонларнинг фарзандлари бронхит, зотилжам каби касалликларга тез-тез чалинади. Тамаки тутуни ҳомиладор аёлга ва ҳомилага ўта хавфли таъсир ўтказади. Бундай тоифадаги аёллар чеккандан сўнг йўлдош қон томирлари спазми (торайиши) содир бўлади ва ҳомила бир неча дақиқага кислород етишмовчилиги ҳолатига тушади. Бундай нуқсон узлуксиз такрорланса, ҳомиланинг она қорнида ривожланиши секинлашади ҳамда у турли етишмовчиликлар билан туғилади.

Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бор. Демоқчимизки, аксарият ҳолларда чекувчи инсонларнинг фарзандлари ҳам келажакда кашандаликка ружу қўйиши мумкин. Бу эса мазкур иллатнинг олдини бугунданоқ олиш зарурлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда муайян ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, 2011 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуни ҳаётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга бу турдаги маҳсулотларни сотиш қатъиян тақиқланган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жумладан, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда аҳоли ва ёшлар иштирокида туркум тарғибот тадбирлари ўтказилаётир. Бундан кўзланган мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли иллатлардан асраш, саломатлигини муҳофазалаш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини чуқур сингдиришдир.

**Зулхумор МУТАЛОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори, тиббиёт фанлари номзоди.**



## «ELEKTRON MEDIA SERVIS» МЧЖ

**телемаҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қуйидаги рўйхатда келтирилган техник ускуналарни етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.**

**1. UHD форматида тасвирга олишга мўлжалланган тўплам**

| № | Ускуна тури | Модель | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Профессионал UHD рақамли видеокамераси | Panasonic AG-DVX200 4K Handheld Camcorder | 21 |
| 2 | Видеокамера учун штатив | Benro S8 Dual Stage Video Tripod Kit | 21 |
| 3 | Panasonic AG-DVX200 4K видеокамералари учун аккумулятор батареялари | IDX System Technology SL-VBD96 7.2V Li-Ion Battery for Panasonic Cameras | 42 |
| 4 | Қувватловчи мослама | IDX System Technology 2-Channel Charger for Panasonic, Canon, & Sony Batteries (7.2V/7.4V) | 21 |
| 5 | Хотира картаси | SanDisk 128GB Extreme Pro UHS-I SDXC U3 Memory Card (Class 10) | 84 |
| 6 | Ранглар температурасини ўзгартира оладиган камерага ўрнатиладиган светодиодли чироқ | ikan iLED312-v2 On-Camera Bi-Color LED Light with Digital Display | 21 |
| 7 | Камерага ўрнатиладиган ихчамлаштирилган радиомикрофон. Камерага ўрнатиладиган комплектда динамик микрофон ва тақиладиган микрофон | Samson Concert 88 Camera Combo UHF Wireless System (Channel D) (100 метргача узоқликка 16 та мослаштириладиган узатиш каналлар) | 21 |
| 8 | Panasonic AG-DVX200 4K видеокамералари учун кенг бурчакли линза | Кенг бурчакли адаптер Cavision LWA07X77 0.7x Wide Angle Adapter | 21 |
| 9 | Panasonic AG-DVX200 4K видеокамералари учун ғилоф (сумка) | Video Doctor Bag 40 | 21 |

**2. Видеокамераларни симсиз боғлайдиган ускуналар. SDI тўплами**

| № | Ускуна тури | Модель | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Видеокамералар учун аудио-видео сигналларни қабул қилувчи ва узатувчи рақамли тизим | Teradek Bolt Pro 300 3G-SDI Wireless Transmitter-Receiver Set | 2 |
| 2 | Батареялар учун адаптер (ўтказгич) | Teradek Battery Adapter Plate for Sony L Series Battery | 4 |
| 3 | Аккумулятор батареяси | Watson NP-F975 Lithium-Ion Battery Pack (7.4V, 7800mAh) | 4 |

**3. Видеокамераларни симсиз боғлайдиган ускуналар. HDMI тўплами**

| № | Ускуна тури | Модель | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Қабул қилиш-узатиш тизими | Paralinx Triton 1:1 Wireless Video System | 2 |
| 2 | Батарея | Watson LP-E6N Lithium-Ion Battery Pack (7.4V, 2000mAh) | 4 |
| 3 | Батарея | Watson NP-F550 Lithium-Ion Battery Pack (7.4V, 2200mAh) | 4 |
| 4 | Қувватловчи мослама | Canon LC-E6 Charger for LP-E6 Battery Pack | 2 |
| 5 | Қувватловчи мослама | Watson Duo LCD Charger with 2 NP-W126 Battery Plates | 2 |

**4. Маълумотларни сақлаш тизими**

| № | Ускуна тури | Модель | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Сервер | Intel Xeon E3-1200 v3, E5-1600 v3, E5-2600 v3 (Haswell) Logo 2013, Сервер HP ProLiant DL80 Gen9 (778640-B21) Entry Server | 1 |
| 2 | Сервер учун дисклар сақланадиган жавон | HP D3600 Enclosure(QW968A) | 3 |
| 3 | Қаттиқ диск | WD RED 6 Tb 7200 WD60EFRX | 40 |

**5. Телевизион эфирни автоматлаштириш ускуналари тўплами**

| № | Ускуна тури | Модель | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Эфир компьютери тизим блоки | GigaByte Z170-D3H DDR4, Intel-Core i7 - 6700K, 3.4GHz, 8M, KINGSTON DDR4 16GB (Kit of 2) 2x8GB CL15/2400 HyperX FURY Black , HDD 4TB Seagate 7200 x 2, Cooler Deepcool Ice Edge, DVD-RW 22x, LG - 24" DVI монитор, CoolerMaster G650M 650 Вт қувват олиш блоки, сичқонча + клавиатура | 13 |
| 2 | Узилмас қувват манбаи | Офф-лайн ИБП 3000ВА қувватли | 13 |
| 3 | Эфирни автоматлаштириш тизими | Плата билан комплектда форвард TA (SD) Форвард FD422 (SDI in/out) | 13 |
| 4 | IP-узатиш опцияси | IP-OUT AVC SD (H.264+AAC) | 13 |
| 5 | Плагин (рекламаларни автомат кесиш) | AUTODETECT | 13 |
| 6 | Плагин (тармоқ оқимини қабул қилиш) | IP-CAMERA (INPUT STREAM) | 13 |
| 7 | Плагин | Нормаллаштириш (овозни мослаштириш) | 13 |

**6. Эфирни автоматлаштириш тизимидан нусха олиш ускуналар тўплами**

| № | Ускуна тури | Модель | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Эфир компьютери тизим блоки | GigaByte Z170-D3H DDR4, Intel-Core i7 - 6700K, 3.4GHz, 8M, KINGSTON DDR4 16GB (Kit of 2) 2x8GB CL15/2400 HyperX FURY Black , HDD 4TB Seagate 7200 x 2, Cooler Deepcool Ice Edge, DVD-RW 22x, LG - 24" DVI монитори, CoolerMaster G650M 650 Вт қувват олиш блоки, сичқонча+ клавиатура | 26 |
| 2 | Узилмас қувват манбаи | Офф-лайн ИБП 3000ВА қувватли | 26 |
| 3 | Эфирни автоматлаштириш тизими | Плата билан комплектда форвард (SD) Форвард FD422 (SDI in/out) (1 тизим фавқулодда ҳолатлар манбаи сифатида, 1 тизим оқимни бошқариш) | 26 |
| 4 | IP-узатиш опцияси | IP-OUT AVC SD (H.264+AAC) | 26 |
| 5 | Плагин (рекламаларни автомат кесиш) | AUTODETECT | 13 |
| 6 | Плагин (тармоқ оқимини қабул қилиш) | IP-CAMERA (INPUT STREAM) | 26 |
| 7 | Плагин | Нормаллаштириш (овозни мослаштириш) | 13 |

Ускуналарни етказиб бериш СИП-Тошкент шартларида амалга оширилиши зарур. Етказиб берилган барча техник ускуналар камида бир йиллик кафолатга ва келтирилаётган ҳужжатларга (ишлаб чиқариш сертификати, талаб қилинса, давлат стандартларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжат), божхона юк декларациясининг нусхаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликда талаб қилинадиган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

**Танлов ҳужжатлари 2016 йилнинг 20 июнига қадар Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, "Пойтахт" бизнес мажмуаси, ғарбий томон, 4-йўлак, 2-қаватда қабул қилинади.**
**Мурожаат учун телефон: (0-371) 237-28-30.**

819R/260

## «Universal auktsion invest» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2016 йил 15 июнь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2015 йил 14 декабрдаги 1-6967/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 01 F 704 ВА.
***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***
* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 01 S 301 ЕА.
***Бошланғич баҳоси — 32 500 000 сўм.***

2016 йил 15 июнь куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2015 йил 20 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2105» русумли, давлат рақами 01 J 843 SA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 987 013 сўм.***

2016 йил 15 июнь куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Сергели тумани судининг 2014 йил 16 апрелдаги 1-190/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги ариқ кўчаси, 80-уйда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, 3 дона «GB4706.52 YXD-90» русумли нон пишириш печкаси қўйилмоқда.

***Умумий бошланғич баҳоси — 1 701 030 707 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00, 11.30 ва 12.00 да тўхтатилади.

2016 йил 4 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Тошкент Ҳарбий округ Ҳарбий судининг 2015 йил 19 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент гарнизони Ҳарбий автомобиль назорати жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti CDX» русумли, оқ рангли, давлат рақами 10 U 717 DA.
***Бошланғич баҳоси — 39 438 161,20 сўм.***
* ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2015 йил 14 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Чорсу» МЧЖ майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 01 Q 789 КА.
***Бошланғич баҳоси — 24 180 235,05 сўм.***

2016 йил 4 июль куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 20 ноябрдаги 10-1208/12612-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5410» русумли, давлат рақами 01 143 РВА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 230 000 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 1 июль куни соат 11.00 ва 11.30 да тўхтатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари ҳамда нон пишириш печкаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санаси кўрсатилган бўлиши шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

834R/33

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига акциядорлик тижорат Халқ банки Учтепа тумани филиалининг 2016 йил 23 майдаги 04/9/3-сонли буюртманомасига асосан, акциядорлик тижорат Халқ банки Учтепа тумани филиали тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 22-мавзе, 10-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 13 кв.м.дан иборат бўлган 461-сонли шохобча қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 33 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 1 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк 2016 йил 1 июль куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2016 йил 5, 12, 19 ва 26 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир иш куни олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили савдо ташкилотчисига аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда иштирок этиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38.**

Хизматлар лицензияланган.

833R/366

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 17 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган, 0001 — 0016-литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич баҳоси — 258 575 450 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001 — 0012-литерлардаги молхона комплекси.

***Бошланғич баҳоси — 317 218 772 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Қапчуғай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001 — 0014-литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 385 584 556 сўм.***

**4.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 31 732 864 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 15 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

835R/74

"Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси жамоаси бошқарув раиси Шуҳрат Раҳимовга отаси

**Нишонали**
**РАҲИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси "Перспектив телелойиҳалар" студияси ходими Шаҳноза Маҳмудовага отаси

**Ғани МАҲМУДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бугунги тез суръатлар, шиддат билан ўзгариб бораётган замон, халқаро майдонда тобора кескин тус олаётган рақобат кўпчилик мамлакатлар қаторида биздан, авваламбор, белини маҳкам боғлаб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кираётган сиз, навқирон ёшларимиздан янгича фикрлашни, энг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашни, Ватанимизнинг тақдири ва эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммангизга олишга қодир бўлишни талаб этмоқда.

Бундай юксак мақсадларга етиш учун ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиниқтириши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда бутун борлиғини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор.

**Ислом КАРИМОВ.**



# ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иштирокчилар мазкур спорт мусобақаларининг бунёдкорлик билан боғлиқ жиҳатларини доимо алоҳида таъкидлашади. Жорий йилда Фарғонада бўлгани каби, умуман, республикамизнинг ҳар бир ҳудудида машғулотлар олиб бориш учун барча шарт-шароитга эга замонавий спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Бундай қулайликлар туфайли, айтайлик, Сирдарё вилояти терма жамоаси сузиш бўйича кўплаб медалларни қўлга киритди.

— Қизларимиз аралаш эстафета, яккалик сузиш баҳсларида 12 та медаль билан тақдирланди, — дейди вилоят жамоаси мураббийи Марина Дёмина. — Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан келгани йўқ. Бунда 2009 йилда воҳамиз мезбонлик қилган “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари алоҳида аҳамият касб этди. Шу муносабат билан ҳудудимизда зарур инфратузилма яратилди. Гулистонда замонавий сузиш ҳавзаси барпо этилди. Аҳолининг спортга муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Болалар, энг муҳими, уларнинг ота-оналари мамлакатимизда спортчилар қанчалик ардоқланиши, қадрланишини ўз кўзлари билан кўриб, гувоҳи бўлишди. Ўшандан эътиборан сузиш ҳамда спортнинг бошқа турлари жадал ривожланиш босқичига ўтди.

Одатда, эркин курашчилар ўз ютуқлари ҳақида кўп ҳам гапираверишмайди. Ҳар бир беллашувга қанчалик катта куч сарфланиши эса уларгагина аён. Тенг курашлар остида кечаётган баҳсда вазиятни қандайдир сониялар ҳал қилади: айнан шундай лаҳзада рақибининг заиф нуқтасини топган полвонгина унинг курагини ерга теккиза олади. Буни ўта оғир — 125 килограмм вазнда гиламга тушган самарқандлик Асилбек Абдураимов ғолибликка эришиш йўлида бир неча бор амалга оширишига тўғри келди.

— Республикамизда яккакураш спорт турларига қизиқувчан ёшлар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди у. — Аслида полвонлик қонимизда бор. Лекин айнан истиқлол йилларига келиб ўз иқтидоримизни намойиш этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Зеро, кураш билакдаги кучни ошириш билан бирга, инсоннинг иродасини тоблайди, уни рақибни ҳурмат қилишга, ҳалол ва масъулиятли бўлишга ўргатади.

Ҳар қандай мусобақада омад кимдандир юз ўгиради. Бироқ Универсиада спорт ўйинларида мағлублар ҳам ўзларини асло аутсайдер, деб ҳисобламайдилар.



— Мен ютуққа эришолмадим, аммо бундан хафа эмасман, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси, шахматчи Машҳура Эшмаматова. — Универсиада спорт ўйинларининг республика босқичида иштирок этишнинг ўзи менга катта ғурур бағишлайди. Қолаверса, шахмат бўйича ушбу мусобақа ғолиби, 16 карра мамлакат, икки карра жаҳон чемпиони Сарвиноз Қурбонбоеванинг ўйинлари биз учун ҳақиқий маҳорат мактаби бўлди. Энди келгусида ўз устимда янада кўпроқ ишлашни мақсад қилиб қўйдим.

Ёшлик ва шижоат айёми бошловчи мураббийларга ҳам ўзига хос “парвоз майдончаси” вазифасини ўтаб берди, дейиш мумкин. Бинобарин, улар Универсиада мусобақалари мобайнида номдор касбдошларидан соҳанинг нозик қирраларини ўргандилар.

— Беллашувлар давомида тажрибали устозларнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмасликка интилдик, — дейди Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультети талабаси Шоҳсанам Ибрагимова. — Шу билан бирга, симсиз табло, видеотакрор сингари кўплаб янги технологик ускуналарни ҳам яқиндан кузатиш биз учун қизиқарли ҳамда фойдали бўлди. Чунки улар ҳар бир атлетнинг истеъдодини холис ва адолатли баҳолашда қўл келаркан.

...Ва ниҳоят “Кичик Олимпиада”нинг ҳаяжонли дамлари бошланади. “Истиқлол” стадионига мамлакат минтақаларининг терма жамоалари кириб келади. Уларнинг чиқишлари ижодий гуруҳлар, таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар билан уланиб кетди.

Стадионга тўпланган минглаб томошабинлар мусобақа қатнашчиларини олқишлайдилар. “Универсиада — 2016” ғолиб ҳамда совриндорларини тақдирлаш маросими бошланади. Унга кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Юксак мукофот сифатида пойтахтликларга давлатимиз раҳбарининг “Универсиада — 2016” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — “Дамас” автомобили топширилди.

Иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган Фарғона ҳамда Самарқанд вилоятлари терма жамоалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — “Дамас” автомобиллари билан тақдирланди.

Мусобақалар мобайнида алоҳида маҳорат кўрсатган ва ғалабага бўлган иродасини ёркин намоён этган спортчилар ҳамда жамоаларга махсус совринлар тақдим қилинди.

— Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, Универсиада беллашувлари Ватанимиз мустақиллигининг кутлуғ йигирма беш йиллик байрами арафасида бўлиб ўтгани унга чуқур мазмун ва кўтаринки руҳ бағишлади, — дейди Тошкент шаҳри терма жамоаси аъзоси Павел Цой. — Беллашувлар барчамизда унутилмас таассуротлар қолдирди. Айтиш керакки, Фарғонада бир дақиқа вақтимиз ҳам беҳуда кетмади: бўш пайтларимизда турли анжуманлар, маданий тадбирларда иштирок этдик, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди. Энг муҳими, юртимизнинг турли ҳудудларидан яна кўплаб дўстлар орттирдик.

...Универсиада спорт ўйинларининг машъаласи аста-секин ўчирилади. Бироқ унинг тафти минг-минглаб навқирон авлод вакиллари қалбидан мустаҳкам жой олиб, уларни янада янги марралар сари илҳомлантириб туради. Тантанали мусиқа садолари остида стадион узра мусобақа байроғи туширилади. Фарғона вилояти вакиллари уни Универсиада мусобақаларининг кейинги мезбони — Самарқанд вилояти спортчиларига топширадилар.

Тантанали ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан ниҳоясига етди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Руслан КЕНЖАЕВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» ва**
**«Народное слово»**
**мухбирлари.**



## ЭЪТИРОФ

**Поль ЖОРДОН,**
**сайёҳ (Бельгия):**

— Юртингизда иқтидорли спортчиларни кашф этиш мақсадида ўтказиладиган ажойиб байрам — Универсиада ўйинларига гувоҳ бўлдим. Фарғонада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларидан ҳайратландим. Шаҳар жудаям кўркам, бу ерда боғ ҳамда хиёбонлар, фавворалар кўп экан.

Эътиборлиси, ўғил-қизлар учун нафақат Фарғонада, балки юртингизнинг бошқа ҳудудларида ҳам гўзал бино ва иншоотлар, таълим муассасалари, спорт мажмуалари барпо қилинганини кўрдим. Ўзбекистонда навқирон авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун катта куч ҳамда маблағ сарфланиши диққатга сазовордир. Ёшлар мамлакатингизнинг энг катта бойлиги эканига ишонч ҳосил қилдим.

Вилоят марказидаги стадионда ўтказилган байрам тадбирида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Йигит-қизларнинг хурсандчилиги ҳавасимни орттирди. Уларнинг спортда эришган ютуқлари, ташкил этилган тантанали маросимлар, умуман, кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад шодлиги юз-кўзларида яққол акс этиб турибди. Бундай ҳис-туйғу, албатта, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

## СУРУР

# Улкан ғалабалар сари қадам

**Ботир ТЕМИРОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида йигит-қизларимизнинг барча соҳада иқтидору салоҳиятини юзага чиқариш учун етарли шарт-шароит яратилган. Айниқса, спорт равнақига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Фарғонада меҳмон бўлганлар Универсиадага кўрилган тайёргарлик мисолида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар. Шаҳарда ўнлаб янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Улар кўп йиллар давомида ёшлар камолотига хизмат қилиши, шубҳасиз. Қолаверса, бундай кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида ўтказилганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, истиқлол барча ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

**Аббос АТОЕВ,**
**бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони,**
**Олимпиада ўйинлари совриндори:**

— Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли мусобақалар тизими нафақат олий тоифали спортчиларни тарбиялаш, балки уларнинг маҳоратини муттасил оширишга шароит туғдирмоқда. Албатта, машғулотлар — ярим муваффақият, дегани. Бўлажак чемпионга эса медаллар учун кечган беллашувларда орттирилган тажриба ҳам муҳим. Шу маънода, Универсиада республикамиз ҳудудларидан келган ёшларга турли бокс мактаблари вакиллари билан яқиндан танишиш, иродасини тоблаш имконини бергани билан аҳамиятлидир. Бу эса уларнинг халқаро мусобақаларда улкан ғалабаларга эришишига хизмат қилади.

**Расул АҲМАДАЛИЕВ,**
**теннис бўйича Универсиада совриндори**
**(Жиззах):**

— Спортда эришилган муваффақиятлар мамлакат шуҳратини дунёга ёйди. Универсиада бизни нуфузли турнирларда эришиладиган ана шундай ғалабалар сари янада яқинлаштирди. Қолаверса, спорт байрами муносабати билан фарғоналиклар бизни жуда илиқ кутиб олишди. Бундай тадбирлар Ватанимиз, унинг улкан салоҳияти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилди.

## ШУКУҲ

Фарғона шаҳрида ўтказилган олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада — 2016” спорт ўйинлари иштирокчи ва совриндорлари жойларда тантанали равишда кутиб олинди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирларда сўзга чиққанлар мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари камолоти йўлида яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, бунинг амалий натижалари йигит-қизларимизнинг жаҳон ареналарида эришаётган юксак муваффақиятларида яққол намоён бўлаётганини таъкидладилар. Универсиада мусобақалари ҳам ана шундай оламшумул ғалабалар учун “парвоз майдончаси” вазифасини ўташи, шубҳасиз.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

# ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР, УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Жумладан, “Нукус” халқаро аэропортида Оролбўйи минтақасининг спортсевар ёшлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси жамоасини карнай-сурнай садолари билан қарши олдилар.

— Фарғонада ушбу спорт байрамига юқори даражада тайёргарлик кўрилибди, — дейди гандбол бўйича минтақа терма жамоаси аъзоси Мирзакарим Абдикаримов. — Айниқса, тадбирнинг очилиш маросимида Президентимизнинг биз, мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Бу барчамизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Кайфиятимиз янада кўтарилди. Натижада финалда пойтахтлик тенгдошларимиздан устун келиб, олтин медалга сазовор бўлдик.

Яккакурашларда жонбозлик кўрсатган спортчилар, хусусан, “Универсиада чемпиони” деган шарафли номга сазовор бўлган дзюдочи Шарафаддин Балтабаев, Эркин Дониёров, кумуш медаль соҳиби Ғиёс Бабаевнинг таассуротлари ҳам бир олам.

— Аввало, бизга шундай имкониятларни яратиб берган Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз, — дейди мусобақанинг энг яхши ўйинчиси, деб топилган волейболчи Бибиназ Қайипназарова. — Зеро, биз, ёшлар мана шундай “Кичик Олимпиада”лар туфайли чиниқиб, халқаро майдонларга чиқишни кўзлаяпмиз. Гарчи, ушбу беллашувда иккинчи ўринга муносиб кўрилган бўлсак-да, ўзимизга нисбатан ишончимиз янада ортди.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Бухоролик енгил атлетикачи Нигина Шарипова учун Универсиада спорт ўйинлари муваффақиятли кечди. Бу иқтидорли талаба югуриш баҳсларида бир эмас, иккита олтин медални қўлга киритди.

— Ушбу беллашувлар мен учун Бразилия мезбонлик қиладиган Олимпиада ўйинлари олдидан тайёргарлик вазифасини ўтади, — дейди у. — 100 ва 400 метрга югуриш баҳсларида биринчи ўринни эгаллаганимдан, қисқа масофага югуришда эса Универсиада рекордини ўрнатганимдан жуда бахтиёрман. Бу ютуқларимни биз, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишимиз учун яратилган шарт-шароитлар меваси, деб биламан.

Дарвоқе, биз Нигина билан Бухоро нефть ва газ саноат касб-ҳунар коллежида суҳбатлашдик. Бу ерда Фарғонадаги спорт мусобақаларида вилоят шарафини ҳимоя қилган йигит-қизларни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди.

Айтиш ўринлики, Универсиадада мазкур вилоят вакиллари яхши натижаларни қайд этишди. Уларнинг тўртта олтин, олтита кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишгани фикримиз далилидир.

Бу галги Универсиада ўйинларида Наманган вилоятидан 68 нафар иқтидор эгаси қатнашди. Улар спортнинг мусобақалар дастурига киритилган 15 туридан 13 тасида куч ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Ғалабага бўлган кучли иштиёқ, ишонч ҳамда қатъият ўз натижасини кўрсатди. “Кичик Олимпиада” якунларига кўра, вилоят вакиллари 11 олтин, 4 та кумуш ва 24 та бронза медални қўлга киритди. Бунда баскетболчи қизлар жамоаси, бокс, енгил атлетика, волейбол, юнон-рум кураши ҳамда стол тенниси бўйича майдонга тушган талабаларнинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Гарчи, умумжамоа ҳисобида олтинчи ўрин насиб этганига қарамай, вилоят вакиллари Универсиада ўйинлари ўз салоҳиятларини синаб кўришда катта роль ўйнаганлигини изҳор этишмоқда.

— Нуфузли спорт анжуманида қизларимиз ажойиб ўйин кўрсатишди, — дейди баскетбол бўйича мураббий Оксана Костикова. — Финалда Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларига қарши майдонга тушдик. Тажриба ва маҳорат ўз сўзини айтди. Ҳар икки жамоани йирик ҳисобда мағлубиятга учратиб, ғолибликка эришдик. Бунда республика терма жамоасида ҳам ўз мавқеига эга бўлган Алие Саматова, Людмила Зиманова, Регина Нигматуллина сингари спортчиларимиз алоҳида намуна кўрсатганини қайд этиб ўтишни истардим.

Самарқандда гўзаллик, ёшлик ва спорт байрами иштирокчиларини кутиб олиш маросими, айниқса, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Негаки, ушбу мусобақада вилоят вакиллари умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, Президентимиз совғаси — “Дамас” автомобили билан тақдирланди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Универсиадага самарқандлик ёшлар пухта тайёргарлик кўришгани яққол намоён бўлди. Вилоят вакиллари спортнинг сузиш, енгил атлетика, футбол, таэквондо, шахмат, эркин кураш, бокс, дзюдо, юнон-рум кураши каби турларида фаоллик кўрсатиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Яъни улар Фарғонадан 3 та олтин, 9 та кумуш, 47 та бронза, жами 59 та медаль билан қайтишди.

— Сузиш бўйича биринчи ўринни эгалладим, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси Темур Латипов. — Бу мени янги марралар сари руҳлантиради. Келгусида халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтаришни мақсад қилганмиз.

Тантанали маросимда спортчилар тақдирланди. Улар шарафига куй-қўшиқлар янгради. Дилрабо рақслар ижро этилди.

“Универсиада — 2016” мусобақаларининг финал босқичида Андижондаги олий таълим муассасаларининг 61 нафар иқтидорли талаба-спортчиси вилоят шарафини ҳимоя қилди. Якунда улар умумжамоа ҳисобида 4-ўринни эгаллашди.

Беллашувлар иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросимида ана шу муваффақият эътироф этилди.

Бундай тантанали тадбирлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6